



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 226 (13.039)

Баҳоси эркин нарҳда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 ноябрь куни Оқсаройда "ЛУКОЙЛ" нефть компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон нефть-газ тармоғида қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ушбу компания фаол иш юритаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда "ЛУКОЙЛ" Ҳавзак, Шоди, Қўнғирот конлари ва Қандим конлар гуруҳи каби истиқболли газ конларини ўрганиш ва ўзлаштириш, Жануби-ғарбий Ҳисор ва Устюрт минтақасидаги нефть-газ участкаларини ўрганиш бўйича инвестициявий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ҳамкорликдаги геология-қидирув ишлари доирасида Орол денгизи акваториясининг Ўзбекистон қисмида истиқболли углеводород конлари топилди. Компаниянинг мамлакатимиздаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирган жами инвестициялари ҳажми 5 миллиард доллардан ошди.

"ЛУКОЙЛ" айна пайтда энг илғор технологияларга асосланган Қандим газни қайта ишлаш заводи қурилишига киришди. Бу замонавий завод йилга 8 миллиард куб метр табиий газни чуқур қайта ишлаш қувватига эга бўлади.

Учрашувда В.Алекперов 2018 йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган ушбу лойиҳа Ўзбекистон sanoatini янада ривожлантириш ва кенгайтиришга қаратилган 2015-2019 йилларда иқтисодий янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастури доирасида амалга оширилишига таъкидлади. "ЛУКОЙЛ" компанияси Ўзбекистон нефть-газ тармоғидаги инвестициявий лойиҳалар доирасида қабул қилган барча мажбуриятларини тўла ва ўз вақтида бажаришини қайд этди.

Мулоқот чоғида жаҳон ва минтақа углеводород ҳомашёси бозоридаги бугунги вазият юзасидан фикр алмашилди, узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг асосий истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

(ЎЗА)

## ЭКСПОРТ КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасида Латвия транспорт-логистика компанияларининг мамлакатимиз экспорт юқларига хизмат кўрсатиш имкониятларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузуридаги Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси бош директори Жаҳонгир Мустафоев, мамлакатимизнинг Логистика бизнесини ривожлантириш уюшмаси бош директори Акром Муҳидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз sanoatini янада ривожлантириш, экспорт жүрғузиши кенгайтириш бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Латвия ўртасида қўллаб-қувватлаш ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Иқтисодий, савдо ва sanoat соҳаларида энг кўп қўлайлик яратиш тизими жорий этилган. Инвестицияларни рағбатлантириш ва химоя қилиш, икки томонлама солиққа тортишни олдин олишга оид келишувлар амал қилмоқда.

Транспорт соҳаси Ўзбекистон ва Латвия ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан. Мамлакатларимиз Европада транзит йўналишининг муҳим қисмларини ташкил этади. Ўзбекистоннинг ташқи савдо юқлари Европа давлатларига Латвия портлари орқали етказилади.

Мамлакатимизда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни тобора ошиб бормоқда. Бугунги кунда улар икки бозорни тўлдирди билан бирга товарларини ташқи бозорларга ҳам чиқармоқда. Бунда, жумладан, Латвия транспорт коммуникацияларидан фойдаланилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон ва Латвия логистика компаниялари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, юқлар транзитини самарали бошқариш, ҳужжатларни расмийлаштиришга доир масалалар ҳақида сўз борди.

Ўзбекистонда экспорт ҳажми муттасил ошиб бораётгани транспорт-логистика соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни талаб этади, — деди Латвия стивидор компаниялари уюшмаси президенти Улдис Папанс. — Уюшмамизга аъзо компаниялар Рига эркин бандаргоҳида иш юритади. Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан бизнес алоқаларини ривожлантиришдан, мамлакатимиз логистика компаниялари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдоримиз. Ўзбекистон бизнесменларига Рига эркин бандаргоҳи ҳудудида Латвиянинг стивидор компаниялари билан ҳамкорликда қўшма корхона (хаб) тузишни таклиф этамиз. Бу Ўзбекистон экспортчиларига Европа бозоридидаги ўз ўрнини янада кенгайтиришга катта ҳисса қўшади. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, Латвия ва Ўзбекистон ишбилармонлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз.

Анжуанда транспорт ва оғир логистика соҳасида хизмат кўрсатиш, юқ саклаш ва ташшини янада яхшилаш, кичик бизнес субъектлари экспортни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбати якунида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Логистика бизнесини ривожлантириш уюшмаси ва Латвия стивидор компаниялари уюшмаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА муҳбири

## Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ИСТЕЪДОД, ИНТИЛИШ ВА ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Қувонарлиси, бу соҳада фаолият олиб бораётган ёшлар сони кўпаймоқда.**

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Иқтисодий бош бошқармаси, "Қамолот" ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Батаним тараққиётимизнинг ҳиссам" шiori остида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва инновация гоялар кўрсатмаси ташкил этилди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган кўрсатмада пойтахтда фаолият олиб бораётган 150 дан ортиқ ёш тадбиркорлар ва 30 га яқин ҳунармандлар, 20 га яқин ёш олимлар, инновацион гоялар ва ишланмалар муаллифлари, шунингдек, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда тижорат банклари ўз фаолиятига оид кўрсатмалари билан иштирок этди.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган имкониятлар натижасида ёшлар орасида ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлганлар сони кўпайиб бормоқда, — дейди "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот ижтимоий алоқаси мутахассиси Азиза Раҳматуллаева. — Бу йўналишда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг тадбиркорликка оид лойиҳалари тадбиркорларнинг сафини янада кенгайтиришга замин яратиб, уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хар йили "Қамолот" ЕИХ томонидан ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ёш тадбиркорлар фаолиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг имтиёзли кредитлар олишида қўмақлаштириш мақсадида "Менин бизнес гоям", "Ёш тадбиркор — юртта мададкор", "Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор" танловларининг ўтказилиши фикримиз далилидир. Мазкур танловлар ғолиби бўлган ёш тадбиркорлар ҳамкор банклар томонидан имтиёзли кредитлар олиш имкониятига эга. Энг асосийси, ушбу лойиҳаларнинг Республика босқинида ғолибликни қўлга киритган ёш тадбиркорларнинг кредит фоиз тўловлари "Қамолот"

ЕИХ томонидан қоплиниши ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўрсатмада ўтказилган мақсад ёшларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесга бўлган эътиборни кучайтириш, ёш тадбиркорлар меҳнатини кенг тарғиб қилиш, уларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, шахсий бизнесини ривожлантиришда қўмақлаштириш ҳамда уларда яратувчанлик, ташаббускорлик ва ижодкорлик фазилатларини янада ривожлантиришдан иборатдир.

— Мазкур кўрсатмада туманимиздаги 60 дан ортиқ 18 ёшдан 35 ёшгача банд бўлмаган аҳолини жалб этдик, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Олмасор туман бўлини масининг бош мутахассиси Омина Раҳимбердиева. — Ўз мутахассислиги бўйича иш қидираётган ёшларга жуда катта имкониятлар яратилганининг гувоҳи бўлдик. Ёш тадбиркорлар ҳамда ҳунармандлар томонидан тақдим этилган кўрсатмани кўриб, иқтисодий имтиёзлик шартларининг муносиблиги ҳисобини қўшаётган ёшларимиз сафи ортаётганидан қувондик.

Кўрсатма доирасида "Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш бўйича амалий кўникмалар ҳамда ёш тадбиркорларга имкониятлар", "Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун яратилган солиқ имтиёзлари ва улардан фойдаланиш тартиблари", "Тадбиркорлик фаолияти учун кредит олиш имкониятлари", талабалар ва ёшларга берилаётган имтиёзлар", "Божхона тўловларида тадбиркорлик субъектларига яратилган имтиёзлар ва божхона хизматлари талаблари" мавзуларида ўқув-семинарлар ташкил этилди.

— Юртимизда ёш тадбиркорлар учун талай имкониятлар яратилмоқда, — дейди "Tashkent textile invest" оилавий корхонаси раҳбари, Тошкент Темир йўллари муҳандислари институтининг 3-босқич талабаси Хусан Каримов. — Кенг имконият ва имтиёزلардан оқилона фойдаланган ҳолда корхонамизни очдик. Ҳозирги кунда элликка яқин трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариб, республикамиздаги харидорларга етказмоқдамиз. Келгусида маҳсулотларимизнинг экспортини йўлга қўйиш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда)

**Мамлакатимизда корпоратив бошқарув тамойилларига асосланган мулкрий муносабатларни ривожлантириш ишлаб чиқаришга инвестиция жалб этишни рағбатлантириб, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнини тезлаштириш ва кўп укладли иқтисодий шакллантиришга хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазкур йўналишдаги ислохотларда янги даврни бошлаб берди.**

## ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ — СИФАТЛИ БОШҚАРУВ КАФОЛАТИ

Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларининг жорий этилиши соҳа мутахассисларининг малака ва маҳорати, халқаро тажрибани билишига боғлиқ. Фармонда бу жиҳатлар эътиборга олинди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий бизнес мактаби ҳамда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Республика бизнес мактаби негизида Корпоратив бошқарув илмий-таълимий марказини ташкил этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 октябрдаги "Корпоратив бошқарув илмий-таъ-

лим марказининг самарали фаолиятини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан марказ фаолиятини ташкил қилиш механизми тасдиқланган.

Марказнинг асосий мақсади ҳўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ва тадбиркорлик субъектлари учун бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш, шунингдек, бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарув соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришдан иборат.

Марказда магистратура ва махсус ўқув курслари ташкил этилиши белгиланган. Икки йиллик магистратура

йўналишида ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларининг 40 ёшгача бўлган, олий маълумотли, камида уч йил иш стажига эга бўлган раҳбар ходимлари ва мутахассислари "Бизнесни бошқариш" мутахассислиги бўйича ўқитилади.

Корпоратив бошқаруving замонавий тамойилларини амалиётга татбиқ этишни жадаллаштиришда махсус ўқув курсларининг аҳамияти катта. Мазкур курсларда магистр даражасига ёки дипломга эга директор, менежер ва бошқарувчилар бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарув бўйича қайта тайёрланиб, малакасини оширади.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Навоий вилояти Кармана туманида Ўзбекистон – Жанубий Корея дўстлик боғи очилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча жаҳалар қатори маданий-гуманитар соҳада ҳам раванк топаётгани, бунда икки давлат раҳбарлари учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

● Нукусда оилаларни янада мустаҳкамлаш, ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш, никоҳ, оилада эркак ва аёлнинг ўрни, фарзанд тарбиясида ота-онанинг ибрати масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Маънавият тарғибот маркази Қорақалпоғистон Республикаси бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда хотин-қизлар қўмитаси раислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари маслаҳатчилари, фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими ходимлари иштирок этди.

● Самарқандда "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий гоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ташкил этилган танловда унинг туман ва шаҳар босқичлари ҳамда соҳалар бўйича ғолиблари иштирок этди.

● Андижонда "Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда туман ва шаҳар босқичларида сараланган хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотларининг 16 раиси ўз маҳоратини намойиш этди.

## ЖАҲОНДА

● Илк бор Хитой ва Таиланд ҳарбий ҳаво кучларининг ҳамкорликдаги машқини ўтказишга келишиб олдилар. Falcon Strike-2015 номли ушбу машқлар 12 ноябрдан 30 ноябргача Таиланддаги Корат ҳарбий ҳаво кучлари базасида бўлиб ўтади.

● Кеча Чилида 6,9 магнитудали кучли ер қимирлаши содир бўлди. Зилзила маркази Кокимбо шаҳридан 98 километр узоқликда 10 километр чуқурликда бўлиб, ҳозирча вайронгарчилик ва қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.

● Бразилиянинг Сальвадор шаҳри атрофида ўтказилаётган авиашоу пайтида юзлаб томошабинлар нигоҳи остида энгил самолёт ногаҳон океанга кулаб тушди ва унинг учувчиси ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.



**Амир Темурнинг "Темур тузуклари" асарида давлатни оқилона бошқариш, ўта мушкул вазиятда ҳам тўғри тadbир қўллаш, дину диёнат ва адолатни жойига қўйиш, салтанат ушларини кенгаш асосида амалга ошириш, ҳар бир масалада узоқни кўзлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ теран фикрлар, бебаҳо йўл-йўриқлар ўз ифодасини топган. Ушбу қоидалар Темурийлар салтанатининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-мафкуравий асоси бўлиб хизмат қилган.**

Пойтахтимиз марказидаги Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон сиймосига боқарканман, хаёлимдан ана шундай фикрлар ўтди.

Хиёбонда набираларини етаклаган онахонлар, қўл ушлашган болакайлар, қизгин сўхбатга киришган талабалар... Уларнинг чехрасида бугунги тинч, дорилмон кунлардан шукроналик, мустақил ва обод Ватандан, буюк аждодимиз сиймосидан гурур-ифтихор туйғулари балқийди.

Бугунги фаровон ҳаётимиз ҳақида ўйларканмиз, унинг замирида Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган мустақил давлатчилигимиз асоси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унда кафолатланган қоидалар мужассам эканлиги ишонч ҳосил қиламиз.

Мустақиллик йилларида ҳаётимиз, онгу шуур ва тафаккуримизда рўй берган улкан ўзгаришлар, миллий қадриятларимизни тиклаш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, келажагимиз эгаларини баркамол этиб тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлар, барча ҳудудларда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари Асосий қонунимиз ва унда акс этган тамойиллар билан боғлиқ эканини бугун ҳар бир юрдошимиз чуқур ҳис этмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ўз Конституциямиз қабул қилинган кунларни яхши эслайман, — дейди Чиноз туманидаги "Усмонобод" фермер хўжалиги раҳбари Улуғбек Эрматов. — Президентимизнинг ғояси ва ташаббуси билан мамлакатимиз тарихида илк бор Конституция қабул қилинганидан, у ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида ифода этганидан қувонганмиз. Ана шу ҳуқуқларимиздан фойдаланиб, фермер — мулкдор бўлдим, даромадимиз ошди, Ватанимиз тараққиётга ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Фарзандларимиз ҳеч қандам кам бўлмади, бахтли ҳаёт кечирмоқда. Буларнинг барчаси Конституциямизда белгиланган асосий қоидалар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётганининг амалдаги ифодасидир.

Яқинда Тошкент вилоятидаги санаторийда бепул даволаниб қайтдим, — дейди меҳнат fronti фахрийси Тўхтаҳон момо Тиллаева. — Жамоат

транспортида юриш, коммунал хизматлар бўйича компенсациялар олиш ва бошқа кўплаб имтиёзларга эгаман. Бу Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати олий қадрлият сифатида мустаҳкамлаб қўйилганидан далolat беради. Айниқса, биз кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ҳуқуқлар иззат-ҳурматда яшашимиз учун катта имконият яратади, умримизга умр қўшади.

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун**

**БАХТЛИ ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ**

Турмуш ўртоғим тўсатдан вафот этгач, беш фарзанд билан қолдим, — деб эслайди учтепалик Гулсанам Хайитова. — Фарзандларимнинг каттаси 20, кичиги 10 ёшда бўлиб, уларнинг уч нафари талаба, икки нафари мактаб ўқувчиси эди. Шифонада фаррош бўлиб ишлардим. Бош қомусимизда меҳнатга лаёқатини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи кафолатлангани жонимизга аро кирди. Давлатимиз томонидан 18 ёшгача бўлган тўрт фарзандимга нафақа пули тайинланди. Ушбу ғамхўрлик туфайли фарзандларим ҳеч нарсга муҳтож кўрмай вояга етди, уйли-жойли бўлди. Яратганга шукр, ҳозир уч фарзандим етук мутахассис, иккитаси тadbиркор.

Халқимиз азалдан Ватан ҳимоясини муқаддас бурч, деб билади, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети магистранти Синдор Мирзалиев. — Бугун бу ҳар бир инсоннинг конституциявий бурчига айланди. Мен ҳам Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида йигитлик бурчимни ўтаб қайтганидан хурсандман. Зотан, армияда хизмат қилиш Асосий қонунимизнинг 52-моддасида белгиланган муқаддас бурчни адо этиш бўлса, иккинчи томондан, ҳар бир йигитнинг ўз оиласи, яқинлари ҳимоясини бўлиб шаклланишида муҳимдир.

Асосий қонунимизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги ифодаланган,

— дейди Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Камола Усмонова. — Мактаб остонасига илк бор қадам қўйгандан то ҳозиргача ушбу ҳуқуқимдан эркин фойдаланаман. Келажақда нуфузли олий таълим муассасаларида билимимни мустаҳкамлаш ниятидаман.

Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшаб, мамлакатимиз равнақи йўлида меҳнат қилмоқда, — дейди Бибисора Аведурдиева. — Ўзбекистон кўпмиллатли халқимизнинг жонажон Ватанидир. Зеро, Асосий қонунимизнинг 8-моддасида Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади, дейилган. Туркман миллий маданий марказида туркман тили, туркман халқи тарихи, анъана ва урф-одатлари ўрганилади. Бунини Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши кафолатланганининг ёрқин исботи, деб биламан.

Турмуш ўртоғим бир неча йилдан буён ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда бизнес юритиб келади, — дейди тайойиллик Лили Ванг. — Уч йил аввал оиламиз билан Тошкентга кўчиб келдик. Шу қисқа вақт ичида ўзбек халқининг дўстлигини, меҳр-оқибатини кўриб, юртингизга ҳурматимиз янада ортди. Ўзи яшаб турган юртининг қонунларини билиш ва унга риоя этиш ҳар бир шахснинг бурчи. Мен ҳам Ўзбекистон Конституциясини яхши ўрганган. Унда мамлакатингиз ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши белгиланган. Бу Ўзбекистонда инсон қадрини ғоят юксак эканлигини ифодасидир. Шу каби демократик тамойиллар Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлиқни таъминлашда мустаҳкам асос бўлмоқда.

Турли соҳа вакилларининг фикрлари замирида бир фикр — бугунги тинч ва фаровон кунларга шукроналик, шундай буюк эл-юрт фарзанди эканлидан фахр-ифтихор, эртанги кунга ишонч мужассам.

Сокин ва файзли хиёбон! Унинг марказида Амир Темур хайкали. Унинг донишманд қиёфаси одамларга ҳамжиҳат бўлиб яшаш, Ватани севиш, ҳар ишда тadbиркор, ҳақўйи ва адолатли бўлиш, тўғри ва бахтли яшашом йўригини ўқтиради.

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Конституциямиз муқаддас Ватанимизда яшаётган ҳар бир инсон бахтли ҳаётининг қомуси бўлиб хизмат қилаётгани кўксимизни гурурга тўлдирди, буюк келажаққа ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

**Дилшод КАРИМОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси**

**Қиш тайёргарликни ёқтиради**

**РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРА БЕРАДИ**

**Маълумот сифатида айтиш жоизки, Олмазор туманининг умумий ер майдони 3 минг 450 гектарни ташкил этади. 58 та маҳаллада 332 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб келади. Ҳудудни 490 та кўча бир-бири билан боғлайди. Олмазор туманида куз-қиш мавсумига тайёргарлик доирасида март ойида дастур қабул қилиниб, чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган эди.**

Туман коммунал таъмирлаш ва авариани тиклаш хизмати раҳбари, куз-қиш мавсумига тайёргарлик қўриш штаби бошлиғи Мирботир Агазовнинг таъкидлашича, 2015 йилда ишлаб чиқилган дастур асосида Олмазор туманида тегишли ишлар бажарилган. 3 ноябрга қадар 21 та уйнинг том қисми мукамал таъмирланган, 14 минг 450 квадрат метр иш бажарилган, 262 уйнинг 504 та хонадониди 39 минг 604 квадрат метр жой таъмирланган. Бундан ташқари кириш йўлакларини таъмирлаш, уларга темир эшиклар ўрнатиш, ертўлаларни тартибга келтириш, лифт мосламаларини таъмирлаш каби кенг қўламли ишлар амалга оширилган. Биргина ертўлаларни тартибга келтириш борасида 434 та ертўлада иш бажарилган.

Ўтган қиш мавсумида учраган муаммолар таҳлил қилиниб, жами туман бўйича 720 та кўп қаватли уйларнинг ҳолати бўйича далолатнома тузилди, — дейди М.Агазов. — 165 та ширкат раиси билан сўхбат олиб борилди. Биринчи навбатда том, ертўлаларнинг муҳандислик қисмлари, кириш йўлакларини рўйхатдан ўтказилди, 77 та 9 қаватли уйларнинг 296 та лифтдан қайси бири таъмирга муҳтож, қайси бири ишламайпти, тўлиқ хатловдан ўтказилди. Қайси ишларни ширкат, қайсиларини бошқа ташкилотлар бажаради, ҳаммаси ҳисоб-китоб қилиниб дастурга киритилди. 2,5 миллиард сўм кредит олинди, ширкатларга ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ҳомийлик йўли билан 43 миллион сўм, маҳаллий бюджетдан 285 миллион сўм ажратилди. 1 ноябрь ҳолатига дастур кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди. Айни пайтда жамоатчилик асосида иссиқлик берилиши юзасидан мониторинг ишларини олиб бораётирлик.

Туманда 1070 диспетчерлик хизмати ишлаб турибди. 24 соат давомида аҳолидан коммунал соҳага тааллуқли муножаатлар қабул қилиниб, ўрганиб чиқилади. Олмазор туманида ижтимо-

ий соҳа объектларини қиш мавсумига тайёрлаш бўйича ҳам алоҳида ишлар олиб борилди.

Туман ХТМФМТЭБ мутахассиси Шаҳноза Жўраеванинг айтишича, мавжуд 95 та таълим муассасасида муайян ишлар олиб борилди. 50 та МТМ, 32 та умумтаълим мактаби, 2 та мусика, битта "Баркамол авлод маркази", 7 та спорт мактаби мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Қорақамиш 2/1 мавзесида жойлашган "Тошиссиқликкуввати" филиали раҳбари ўринбосари Жавлон Камоловнинг маълумот беришича, белгиланган олинган дастур доирасида 12 та локал қозонхона, 35 та қозон жорий таъмирланган, замонавий локал қозонхона қурилиб, ишга тушишга тайёр турибди, шунингдек, 6 километр узунликдаги иссиқлик қувурларини махсус қозғ билан ўралди, эскирган қувурлар алмаштирилди. Корхонада юздан ортиқ ишчи-хизматчи ишлайди. Айни пайтда аҳолига иссиқлик бир маромда етказиб берилмоқда.

Олмазор тумани Қорақамиш 2/1 мавзесидаги "Навбахор" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Баҳор коммунал" ХУЖМШ бугунги кунда 8 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. — 4 ва 5 қаватли 8, 9, 11, 12, 13, 19, 17-уйларга хизмат кўрсатади, — дейди "Баҳор коммуналчи" ХУЖМШ раиси Хамидулла Йўлдошев. — Қиш мавсумига тайёргарлик доирасида 17 А-уйнинг том қисмини мукамал таъмирладиқ, ертўлаларни тартибга келтирдик. Аҳолидан тўловларни ундириш ҳақида тўхталганда, сентябрь ойида 85 фоиз, октябрь ойида эса 90 фоиз тўловлар йиғилди. 9-уйда задыжжалар алмаштирилди, 6 та йўлакни таъмирдан чиқардик, яқинда иссиқлик берилди. Бошқисида озгина муаммо бўлди, бироқ уни ўз вақтида бартараф этдик.

Хулоса қилиб айтганда, Олмазор туманида қиш мавсумида муаммоларга ўрин бўлмайди, мавсум беталофат ўтказилади, дейишга асослар етарли. **З. ШАРИФЖОНОВ**



**ИСТЕЪДОД, ИНТИЛИШ ВА ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Корхонамиз 2004 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда, — дейди "Lok bo'yoq servis" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шўҳрат Нигматов. — Фаолият бошлаганимизда 5-6 хил маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозирда 30 хилдан ортиқ лок-буёқ маҳсулотларини харидорларга тақдим этмоқдамиз. Кўرғазмада бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг фаолияти билан танишиш имконига эга бўлмоқдамиз. Бу ерда улар билан малака ошириш, ўзаро фикр алмашиш имконияти яратилган. Бизнинг маҳсулотларимиз билан танишишмоқда. Бундай кўрғазмаларнинг ўтказилиши тadbиркорларга ўз бизнеслари янада ривожлантиришга ёрдам беради. Кўрғазма доирасида тақдимотлар натижасида кўплаб маълумотларга эга бўлдик.

Бундан ташқари кўрғазмада Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг 5000 дан ортиқ бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Бу эса ёшларни иш билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мамлакатимиз иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ёш тadbиркорлар, хунармандларнинг фаолиятига бағишлаб ташкил этилган кўрғазмада каштачилик бўйича маҳсулотларим билан қатнашмоқдаман, — дейди Сергели туманидаги Бобур номи маҳаллада истиқомат қилувчи Шодиёна Турдалиева. — 70 га яқин шогирдларим бор. Сабр-тоқатни талаб этадиган хунар сир-асрорларини ўргатиб келмоқдаман. Хаттоки, чет эллик шогирдларим ҳам бизнинг момомерос хунаримиздан ҳайратланишган. Бунда

менга инглиз тилини мукамал эгаллаганим жуда асқотмоқда. "Ташаббус" кўриктанловининг доимий иштирокчисиман. Жорий йилда мазкур кўрик-танловнинг туман босқичида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Маҳаллада истиқомат қилувчи ола-сингилларимизга ҳам мазкур хунар сир-асрорларини ўргатиб келмоқдаман. — Мазкур кўрғазма давомида ёшларимизнинг хунар эгаллаш, тadbиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги юқорилгининг гувоҳига айландик, — дейди нодавлат таълим муассасаси "Ифатли келин" ўқув маркази раҳбари ўринбосари Барно Каримова. — Иштирокчилар ўқув марказимиздаги йўналишларга катта қизиқиш билан муножаат этишмоқда. Карвинг, сарпо қутилари, пазандалик ва бошқа йўналишлар бўйича намоёйиш ташкил этилди. Марказимизда ёшларимиз 40 дан ортиқ хунар сирларини мукамал ўрганишлари учун малакали мутахассислар жалб этилган.

Кўрғазма яқинида тadbирда фаол иштирок этган ёш тadbиркорлар ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди. "Ўзбекистон миллий банки", "Асакабанк", "Ипотекбанк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Микрокредитбанк" АТБлари томонидан ёш тadbиркорларга имтиёзли кредитлар тақдир этилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ушбу кўрғазма ҳудудий ривожланишга, йирик ва кичик корхоналар ўзаро ҳамкорлигининг янада кенгайиши ва мустаҳкамланишига, ёш хунармандлар фаолиятини янада кенгайтиришга замин яратади.

**Зиёда РАСУЛОВА  
Ислоҳ Исмоилов олган суратлар**

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ — СИФАТЛИ БОШҚАРУВ КАФОЛАТИ**

(Давоми. Боши 1-бетда)

Акциядорлик жамиятлари бошқарув тизимини халқаро талаблар даражасида ташкил этилиши нафақат раҳбар ҳодимлар, балки соҳага алоқадор бошқа тузилма мутахассисларидан ҳам чуқур билим ва кўника талаб қилади. Шу мақсадда марказда акциядорлик жамиятларидаги давлатнинг ишончли вакиллари, инвестиция активларининг бошқарувчилари, қузатув кенгаши ва тафтиш комиссиялари аъзолари, хусусийлаштириш, қимматли қозғалар бозори, монополияга қарши тартибга солиш, брокерлик, баҳолаш ва риэлторлик соҳаларда фаолият кўрсатаётган тузилмалар мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш йўлга қўйилиши белгиланган.

Таълим муассасаси педагогик жамоасини шакллантиришда номзоднинг олий таълим муассасаларида камида беш йиллик ўқитувчилик иш стажини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида амалий иш тажрибаси иннобатга олинади. Профессор-ўқитувчилар таркибига нафақат маҳаллий педагоглар, балки етакчи хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, халқаро молия-иқтисодиёт ташкилотлари мутахассислари ҳам кириши мумкин. Назарий тайёргарликни амалиёт билан биргаликда олиб бориш мақсадида марказ тингловчилари хўжалик бошқаруви органлари, акциядорлик жамиятлари ва бошқа тadbиркорлик субъектлари, хорижий компания ва таълим муассасаларига олти ойгача стажировкага юборилиши кўзда тутилган.

Таълим муассасасида, шунингдек, бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарува хорижий тажрибани чуқур ўрганиш, корпоратив бошқарувининг замонавий усулларини синодан ўтказиш ва жорий этиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, акциядорлик жамиятларини бошқариш тузилмасини тубдан қайта ташкил этишни илмий-методик таъминлаш, уларнинг ташкилий шаклланиши халқаро талабларга мувофиқлаштириш устиди иш олиб борилди.

Марказ ҳодимлари олим ва мутахассислар иштирокида турли мунозаралар, давра сўхбатлари, конференциялар, симпозиумлар ташкил этиш билан бирга бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарувининг долзарб муаммолари бўйича фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб боради, халқаро тажрибани ўрганади, бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарув соҳасида замонавий инновацион технология ва усуллари жорий этиш, бошқарув кадрларини танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш тизимининг самарадорлигини ошириш юзасидан тақдирлар ишлаб чиқарилади.

Марказ пуллик асосда консалтинг хизматлари кўрсатиши, жумладан, соҳадаги илгор тажрибалири умумлаштириш асосида тегишли тавсиялар бериши, ташкилотларда семинар, тренинг ва форумлар, корпоратив бошқарув ва менежмент тизимлари диагностикасини ташкил этиши, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўламан ва ички корпоратив ҳужжатларини ишлаб чиқиши мумкин.

Муҳтасар айтганда, Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятининг йўлга қўйилиши мамлакатимизда корпоратив бошқарув тизимининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, корхонанинг ҳақиқий мулкдори бўлган акциядорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган мураккаб механизмнинг тўла ишга тушиши, пировардида, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ўсишига хизмат қилади.

**Бехзод БОЗОРОВ,  
ЎЗА мухбири**

**ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА**

**Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, иқтисодиётни янада либераллаштириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Юқори малакали раҳбар кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш тизимининг яратилгани эса соҳадаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.**

Пойтахтимизда "Мамлакатимизда раҳбар кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ислохотлар ҳамда устувор вазибалар" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида ана шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ректори М.Алиев, академиянинг илмий ишлар ва халқаро алоқадор бўйича проректори Б.Ғойибназаров ва бошқалар тadbирда сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримовнинг 2015 йил 20 августдаги Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси фаолияти янада такомиллаштирилгани, ҳар томонлама юқори салоҳиятли, пухта билим ва кўникамага эга мутахассисларни тайёрлашнинг миллий тизими яратилгани ўзининг самарасини бераётганини таъкидлаб ўтдилар.

Айни пайтда Давлат бошқаруви академияси олдинги истиқболли, замонавий фикрландиган мутахассисларни саралаб олишни ташкил қилиш, улар орасидан халқаро стандартлар ва талабларга мувофиқ ҳолда "Давлат бошқаруви" мутахассислиги бўйича бошқарув кадрларини тайёрлаш устувор вазиба сифатида қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, академияда менежментнинг замонавий усуллари, бозор иқтисодиёти, монетар ва фискал сиёсат, маркетинг, бошқарувнинг ҳуқуқий асослари, бошқарув психологияси, ахборот-коммуникация технологиялари ва "электрон ҳукумат" соҳаларида чуқур билим ва кўникамага эга кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўқув машғулотлари илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, замонавий халқаро стандартлар ва усуллари орқали олиб борилади, таълим бериш сифатини баҳолаш йўлга қўйилган. Шунингдек, давлат бошқаруви масалалари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, хорижий давлатларнинг бу бордаги тажрибалари ўрганилмоқда.

Хозирда академияда раҳбар кадрларни тайёрлашда менежмент факи етакчи ўринга кўтарилган. Шунга мувофиқ равишда ўтиладиган фанларнинг асосий қисмида бошқарувага устуворлик берилган. Кафедра профессор-ўқитувчилари юқори илмий салоҳиятга эга бўлган ёшлардан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти Жанубий Корея, Япония, Англия, Германия, Франция давлатларидаги нуфузли университетларда ўқиб, илмий даражаларга эга бўлган олимлардир.

Тadbирда журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

**Шоира МУХАМЕДОВА**



## ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ОЧИҚ МУЛОҚОТ

**Миробод туманида экологик вазиятни яхшилаш борасида Салор каналнинг иккала қирғоғини ноқонуний қурилмалардан тозалаш, ободонлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.**

Бундай кенг қамровли ишлар Салор канали бўйида яшовчи, канал бўйича ноқонуний қурилмалар қуриб олган айрим фуқароларнинг норозиликлари сабаб бўлмоқда. Сабаби, ушбу фуқаролар қирғоқ бўйини ўзбошимчалик билан эгаллаб, бир неча йиллардан бери ноқонуний фойдаланиб келганлар ва атроф-муҳит мусаволиғига ҳам маълум даражада зарар етказганлар.

Миробод тумани ҳокимлигида Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси давлат нозирлари ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари иштирокида очик мулоқот ўтказилди. Унда маҳалла оқсоқоллари табиати муҳофаза қилиш қонунчилиги борасидаги ўзларни қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Асосий мавзу дарахт масаласи бўлиб, дарахтларни кесилгача руҳсатномаларни расмийлаштириш тартиби, кесилган шох-шаббаларни ким олиб чиқиб кетиши, бу борадаги тўлов масалалари ҳақида сўз борди. Миробод туманида келажакда қилинадиган ишлар ҳали талайгина. Масалан, барак типидagi уйлари тартибга келтириш, оқва сувларни канализациялаштириш, Сарикўл, Мироншоҳ, Ҳамал, Эски Сарикўл кўчаларининг асфальт қопламасини таъмирлаш, ўсимлик дунёсини ёшартириш ишларини амалга ошириш лозим. Очик мулоқот давомида ана шу масалалар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**С.МАҲАМАТОВ,**  
давлат нозир

**Тошкент шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш 7 та сув ҳавзаси бўйича амалга оширилади ва уларнинг қуввати 2336 минг м<sup>3</sup>/кунга тенг, марказлашган сув таъминоти — 99,6 фозни ташкил қилади. Ичимлик суви тармоқлари — 3694 кмга тенг. Канализация тармоқлари — 2692,4 км узунликка эга, шаҳарда умумий қуввати 1945 минг м<sup>3</sup>/кун бўлган 3 та оқва сувларни тозалаш иншооти мавжуд. Булар Салор, Бўзсув ва Бектемир иншоотларидир.**

## СИФАТ НАЗОРАТИ ОЛИБ БОРИЛАДИ

Тошкент шаҳрини иссиқ сув билан марказлашган таъминлаш ишларининг 88 фози "Тошис-сикликмарказ" АЖ, ТошТЭМ АЖга қарашли 9 та йирик иссиқлик маркази томонидан амалга оширилади.

Пойтахтнинг экологик осойишталиги ва аҳолининг саломатлиги кўп жиҳатдан унинг сув тармоқлари ҳолатига боғлиқ. Бугунги кунда пойтахт ҳудудини бешта йирик канал: Салор, Бўзсув, Қорасув, Қорақамиш каналлари ва Чирчиқ дарёси кесиб ўтади. Улар шаҳар сув ҳўжалигини сув билан таъминлаб туради.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг аналитик назоратга ихтисослаштирилган инспекцияси (АНИИ) лабораторияси томонидан 5 та ер

усти сув ҳавзаларида 26 та нуктадан 30 га яқин кўрсаткич бўйича сифат назорати олиб борилди.

Тошкент шаҳрида атроф табиий муҳит ифлосланишининг олдини олиш мақсадида шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитаси томонидан Фавқуллода вазиятлар бошқармаси билан биргаликда тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва ҳозирда қўлаб келинмоқда. Шунингдек, Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси, ДУК "Сувос" трести, Тошкент шаҳар ДСЭН, Бўзсув ирригация сув тармоқлари, шаҳар ветеринария хизмати ва давлат бионазорати бошқармаси билан фаол ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

**Д.ЗУПАРОВ,**  
АНИИ мутахассиси



**Маъмурий жиҳатдан Тошкент шаҳри 11 та туманга бўлинади. Шайхонтоҳур ва Якқасарой туманлари шаҳримизнинг марказида жойлашган туманлар қаторига киради.**

Шайхонтоҳур туманининг эгаллаган майдони — 2078,7 минг гектар(га)ни, кўкаламзорлаштириш майдони — 831,5 минг гани ташкил этади. Якқасарой туманининг умумий майдони — 1218,7 минг гани; кўкаламзорлаштириш майдони — 139,9 гани ташкил этади.

Туманларда экологик ҳолатни, аҳоли саломатлигини яхшилаш кўп жиҳатдан сув тармоқлари ҳолатларига боғлиқдир. Шайхонтоҳур тумани ҳудудидан Анҳор, Калковуз каналлари ва маҳаллалар ҳудудларидан 13 та кичик канал ва ариқлар оқиб ўтади.

Якқасарой тумани ҳудудидан Салор, Бўрижар каналлари, маҳаллалардан эса 3 та кичик канал ва ариқлар оқиб ўтади. Бу каналлар ва ариқлар туманларда микроклимни таъминлаш билан бир қаторда туман кўчалари ва хиёбонларидаги яшил ўсимликларни, гулларни, дов-дарахтларни сугоришда кенг қўлланилади.

Давлат нозирлари томонидан эрта баҳордан то кузгача бир неча маротаба ўтказиладиган "Тоза сув ўзани" тадбирларида каналларга, ариқлар сувларига салбий таъсир кўрсатётган ҳолатлар аниқланади, бартараф этиш учун чоралар кўрилиб, салбий таъсир оқибатларининг қайта содир этилмаслиги учун мутасадди ташкилотларга хатлар жўнатилади, фуқароларга кўрсатмалар берилди. Туман давлат нозирлари йил давомида текширувлари мувофиқ-

лаштирувчи кенгаш томонидан режалаштирилган корхоналарда режали, назорат тартибидagi текширувларни амалга оширадиган, бундан ташқари туманларда фаолият юритаётган бюджет ҳисобидан молиялаштирилган объектларда ҳам режали текширувларни олиб борадилар. Шунингдек, аҳолидан, юридик шахслардан тушган шикоятлар асосида, кенгаш руҳсати билан режалаштирувчи кенгаш томонидан режалаштирилган корхоналарда режали, назорат тартибидagi текширувларни амалга оширадиган, бундан ташқари туманларда фаолият юритаётган бюджет ҳисобидан молиялаштирилган объектларда ҳам режали текширувларни олиб борадилар. Шунингдек, аҳолидан, юридик шахслардан тушган шикоятлар асосида, кенгаш руҳсати билан режалаштирувчи кенгаш томонидан режалаштирилган корхоналарда режали, назорат тартибидagi текширувларни амалга оширадиган, бундан ташқари туманларда фаолият юритаётган бюджет ҳисобидан молиялаштирилган объектларда ҳам режали текширувларни олиб борадилар.

Туманлар аҳолисидан, юридик шахслардан ёзма равишда, ишонч телефонлари орқали келган шикоятлар жойига чиқиб ўрганилади ва шикоятчиларга жавоб хатлари ўз вақтида ёзма равишда баён қилинади.

Салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари кўрилади, мутасадди ташкилотларга хат билан мурожаат этилади. Шу йилнинг ўтган биринчи ярим йиллигида Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган 61 та, Якқасарой туманида 75 та корхона

## Туманларда КАМЧИЛИКЛАРНИ ТУГАТИШ ЮЗАСИДАН ЧОРАЛАР КўРИЛМОҚДА

ли текширувлар ҳам ўтказилди.

Табиати муҳофаза қилиш қонунчилиги талаблари бузилиши ҳолатлари аниқланганда маъмурий чоралар кўрилади, камчиликларни бартараф этиш учун бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар берилди.

Текширувларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Табиати муҳофаза қилиш, Сув ва сувдан фойдаланиш, Чикиндилар, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, Экологик экспертиза, Экологик назорат тўғрисидаги қонунлар талабларига риоя қилинади.

Бундан ташқари туманларда фаолият юритаётган кўмита назоратида

на экологик меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиб, давлат экологик экспертиза хулосасини олди. Шунингдек, Шайхонтоҳур туманида 2 та комплекс, 13 та бюджет ҳисобидан молиялаштирилган объектларда текширувлар амалга оширилиб, жами табиати муҳофаза қилиш қонунчи талабларини бузган 23 та мансабдор шахс ва фуқароларга 5 млн. 150400 сўм миқдорда жарима солинди ва ундириб олинади. Якқасарой туманида ҳам 4 та комплекс, 11 бюджет корхоналарида текширувлар ўтказилиб, 37 та мансабдор шахс ва фуқароларга 4 млн. 760900 сўмлик жарималар солинди.

**Д.СУЛТОНОВА,**  
**А.КАРАБАЕВ,**  
давлат нозирлари

**Маълумки, полимерлар табиий ёки синтетик юқори молекуляр бирикмалардан ташкил топган моддалардир. Полимерлар қуйи молекуляр моддалар, яъни мономерлардан ("моно" — бир демақдир) ҳосил қилинади. Масалан, полиэтилен (ПЭ) этилен газидан, полипропилен (ПП) пропилен газидан, крахмал глюкозадан олинади.**

Полимерлар махсулот (пенка, тола, қувур, найча ва бошқалар) олиш учун тоза ҳолатда кам ишлатилади, чунки уларнинг иссиқликка чидамлилиги паст, мустаҳкамлиги металллар ва уларнинг қотишмаларининг мустаҳкамлигига нисбатан анча кичик, ультрабинафша нурлари таъсирида мўртлашиб тез парчаланиб кетади. Шунинг учун иссиқхоналарда ишлатиладиган ПЭ пленкаларининг қўлланиш мuddати 1-1,5 йилдан ошмайди.

Полимерларнинг ушбу камчиликларини тузатиш, физик ва кимёвий хоссаларини яхшилаш ва махсулот нархини пасайтириш учун таркибига бошқа турдаги моддалар (ранглар, юмшаткичлар, барқарорлаштирувчи моддалар, антистатиклар ва бошқалар) киритилади. Бундай материалларга пластмассалар дейилади.

Пластмасса ишлаб чиқариш жараёнида реакторлар, мономерлар ва органик эритувчилар сақланадиган омборхоналар атроф-муҳитни ифлослантирувчи асосий объектлар ҳисобланади. Бундан ташқари, вискоза ипагини ишлаб чиқаришда углерод ва олингурутнинг бирикмалари ажралиб чиқади. Суний ипагини қўриштириш жараёнида турли хил углероддорлар ҳосил бўлади. Бир тонна вискоза ипаги ишлаб чиқаришда 27,5 кг олингурут углероди (CS<sub>2</sub>) ва 3 кг водород сульфиди (H<sub>2</sub>S) ажралиб чиқади. Бир тонна найлон толаси ишлаб чиқаришда 3,5 кг углероддор ва 7,5 кг ёғ буғлари ажралади.

Пластмасса ишлаб чиқариш жараёнида фенол, юмшаткичлар, кимёвий реакцияларни жадаллаш-

тирувчи моддалар (катализаторлар), эфир мойлар, органик кислоталар ажралиб чиқади.

Синтетик каучук ишлаб чиқаришда атмосфера ҳавосига учувчан мономерлар изопрен, стирол, бутадиең, хлорирен) ва эритувчи моддалар (дивинил, полуол, бензол, ацетон ва бошқа бирикмалар ажралиб чиқиб, атроф-муҳитни ифлослантиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қаттиқ пла-

## ПЛАСТМАССА ЧИҚИНДИЛАРИНИНГ АТРОФ-МУҲИТГА ТАЪСИРИ

стмасса махсулотлари оддий хона ҳароратида зарарли эмас. Аммо уларга ишлов бериш жараёнида у ёки бу захарли моддалар ажралиб чиқади. Пластмасса махсулотларининг тизими ва таркибига қараб уларнинг суяқланиш ҳароратлари ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, полиэтилен (ПЭ) 120-135°C да, полипропилен (ПП) 160-172°C да, полиамид-12 (ПА-12) 178-180°C да, полиамид-610 (ПА-610) 213-222°C да, полиамид-66 (ПА-66) 252-265°C да, поликарбонат (ПК) 220-240°C да, полиэтилентерефталат (ПЭТФ) 225-267°C да, политетрафторэтилен (ПТФЭ) 320°C да, полиформалдегид (ПФ) 173-180°C да суяқланади, яъни қаттиқ ҳолатидан суяқлама ҳолатига ўтади. Мана шу ҳолатда махсулот таркибидан захарли газ ва буғлар ажралиб чиқиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қаттиқ пластмассалар ва эритувчисиз суяқ катронлар (масалан, эпиксид катрони) ўз-ўзидан ёнмайди, улар фақат юқори ҳароратлар таъсирида ёниши мумкин. Реактопластлар (полиэфирлар, эпиксид катронлари ва бошқалар), фторопластлар, поливинилхлорид ўтда ёнади, аммо алангани узоқлаштиришда ўчиб қолади. Термопластлар гуруҳига мансуб бўлган полимер материаллари (полиэтилен, полипропилен, органик, шиша, полиформалдегид, полистирол, полиуретан ва уларнинг сополимерлари) ёнувчан материаллардир. Целлюлоид ва нитроцеллюлоза этроди ниҳоятда тез ёнади.

Уларнинг катта (50 кг дан юқори) миқдорини ёндирганда портлаш ҳосил бўлиши мумкин. Говак полиуретан ёнганда синил кислотаси ва полуплендицианатларнинг захарли буғлари ҳосил бўлади ва уларнинг миқдори РЭЧКси-дан ўнлаб ва юзлаб маротаба ошиб кетиши мумкин.

Термопластларнинг ҳарорати уларнинг парчаланishi ҳароратига етганда (ўт олиш ҳароратидан 150-200°Cга паст бўлган ҳароратларда) портловчи ва ёнганда хавфли буғлар ажралиб чиқади. Масалан, полистирол парчаланганда стирол буғлари ажралиб чиқади. Стиролнинг ҳаводаги РЭЧКси 5мг/м<sup>3</sup> дан ошмаслиги керак.

Маълумки, эритувчиларнинг чақнаш ҳароратлари ниҳоятда паст бўлиб, улар юқори ҳароратлар таъсирида ўз-ўзидан алангаланиши мумкин. Шунинг учун уларни ёпиқ идишларда оловдан ва электр учунларидан узоқроқ жойларда сақлаш лозим.

**Ж.ПАРДАЕВ,**  
давлат нозир

## Экология

### ОБОДЛИККА ЙўҒРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР

**Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан Ўзбекистон Республикасида 2015 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури ижроси юзасидан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишларга бағишланган семинар ўтказилди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлар гуруҳи, Экоҳаракат марказий кенгаши ижроия кўмитаси аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари, эколог мутахассислар, талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий захиралардан оқилана фойдаланиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган доимий эътибор ижтимоий-иқтисодий соҳаларни изчил ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати "Ёшлар қаноти" томонидан жорий йилнинг тўққиз ойида экология соҳасидаги ислохотларга кўмаклашиш мақсадида қатор ҳисобот-сайлов конференциялари, давра суҳбатлари, экологик акциялар, семинар-тренинглар ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Ёшлар ташаббуси билан эколог ва истироҳат боғларида "Биз — баркамол ёшлар, Ватан ободлиги ва озодлигига маъулли!" шиори остида экологик акциялар ўтказилди. Мазкур акциялар давомида кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, гуллар экилди. Ҳозирги кунда "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудидида 20 эколог барпо этилган. Уларнинг умумий майдони 120 гектарни ташкил этади.

Тошкент шаҳридаги "SOS — болалар шаҳарчаси"да Бутунжаҳон Ер куни ва Бутунжаҳон Саломатлик кунига бағишлаб "Она ери-мизни сақлаймиз — келажак учун" мавзусида ташкил этилган акцияда мутахассислар ёшларга дарахтларни парваришлаш, шакл бериш, кўчатлар турлари ҳақида маълумот берди. Ободликка йўғрилган бу хайрли ташаббусда ўғил-қизларнинг бирдамлиги, аҳиллиги, меҳнатсеварлиги, табиатга бўлган меҳри ўз ифодасини топди.

Дастур ижроси юзасидан ёз фаслида ёшларнинг бўш вақтини мазмуни ташкил қилиш мақсадида юртимизнинг баҳаво ва хушманзара ҳудудларида жойлашган "Хумо", "Кимёгар", "Зангори олов", "Чимён", "Нихол", "Келажак" каби ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳларида "Юртимизни обод қиламиз!" шиори остида экологик акциялар, спорт мусобақалари, экологик викториналар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилди.

Семинарда юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид ислохотлар самаралари, хусусан, навиқрон авлоднинг экологик маданиятини ошириш борасидаги ишлар юзасидан маърузалар тингланди.

**Нурилло НАСРИЕВ,**  
ЎЗА МДБ

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"CAPITAL REALTOR GROUP" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!**

"Capital Realtor Group" МЧЖда 2015 йил 1 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такронан қўйилмоқда:

I. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2015 йил 21 апрель кунги 1-02/55-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Фирдавсий 3-тор кўчаси, 17/17А-ўйда жойлашган, фойдаланиш майдони 232,81 кв.м., яшаш майдони 152,24 кв.м. бўлган уй-жойнинг 1/2 қисми. Бошлангич нархи 803 290 000 сўм.

II. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан, 2014 йил 29 декабрь кунги 1-529/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 42-уй 26-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 73,37 кв.м., яшаш майдони 50,05 кв.м. бўлган уй-жой. Бошлангич нархи 153 047 794 сўм.

Юқоридagi кўчмас мулклар билан тегишли суд ижроичилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларига иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтаинг расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 17:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида катнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич нархининг 20% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда "Capital Realtor Group" МЧЖнинг "Калитал-банк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020800020492751003, ИФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўч., 18-уй. Телефон: 250-19-24. Лицензия: № RR-0017.

"Само" эстрада театри бадиий ва жамоат ташкилотлари Яшнобод тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Назира Гайнуллинага умр йўлдоши **Ренат Дижанович ГАЙНУЛЛИНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Спорт янгиликлари



Муҳаммад Амин олган сурат

Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида "Ёшлик кубоги" лойиҳаси доирасида талабалар ўртасида "Спорт соғлиқ кафолатидир!" деб номланган мини-футбол мусобақаси ўтказилди.

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Унда 5 жамоа — Ўзбекистон Миллий, Тошкент Давлат техника, Тошкент Давлат юридик университетлари, Тошкент Тиббиёт академияси ҳамда Тошкент Молия институтига қарашли талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талаба-ёшлар ўзаро беллашдилар.

Тадбир талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини янада шакллантириш, мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари ҳамда уларни спортнинг оммавий турлари, хусусан мини-футбол турига кенгроқ жалб этиш мақсадида ўтказилди.

— Спорт орқали талабаларнинг бўш вақтларини умумий ўтказиш, уларни диний экстремизм, гиёҳвандлик каби салбий иллатлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, ёшлар қалбига Ватанга муҳаббат, садоқат ҳамда ватанпарварлик, гурур ва фахрланиш каби туйғуларни синдириш ва шакллантириш мақсадида "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Камолот" ЁИХ шаҳарча Етакчилар Кенгаши ҳамкорлигида бир қанча спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Фоят Тулаганов.

Қизғин ва голларга бой тарзда кечган мусобақа натижаларига кўра, Ўзбекистон Миллий университети жамоаси 1-ўринни эгаллаб, "Ёшлик кубоги"ни қўлга киритди. Тошкент Давлат техника университети жамоаси 2-ўринни эгаллаган бўлса, 3-ўрин Тошкент Давлат юридик университети жамоасига насиб этди.

Мусобақа сўнгида фаол иштирок этган талаба-ёшлар ҳамда голиб жамоалар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Зарина РУСТАМОВА

ҲАММАСИ СЎНГИ ТУРДА ҲАЛ БЎЛАДИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида ўтказилаётган мамлакат XXIV миллий чемпионати баҳслари якунланишига икки тур қолганида ҳам қайси жамоанинг чемпион бўлиши маълум эмас эди.

Чемпионатнинг 29-туридаги марказий учрашув Қаршида бўлиб ўтди. Унда жорий йилги Ўзбекистон Кубоги соҳибни "Насаф" амалдаги чемпион "Пахтакор" билан куч синашди. Ушбу ўйинда "Пахтакор"га ғалаба сув ва ҳаводек зарур эди. Чунки агар Нўмон Ҳасанов шогирдлари очко йўқотишса, чемпионлик сари дадил одимлаётган "Локомотив" турнир жадвалида биринчи ўринга кўтарилиб олиши мумкин эди. Шу боисми, Қаршидаги бахсда пахтакорчилар ғалаба қозониш иштиёқида майдонга тушишди. Албатта, "Насаф" ҳам меҳмонлар дарвозаси то-

мон ҳавфли вазиятлар содир этди. Хуллас кескин курашларга бой кечган беллашув якунланишига 12 дақиқа қолганида пахтакорчилар томонидан рақиб дарвозасига уюштирилган ҳужум самарали якунланди. "Насаф" дарвозасига голни Камолиддин Тожиев киритди. Ушбу ўйин 1:0 ҳисобида тошкентликларнинг ғалабаси билан якунланди ва "Пахтакор" ҳамон турнир жадвалида карвонбошлик қилапти.

Шунингдек, "Локомотив" ўз майдонидида "Машъал"ни қабул қилди. Ушбу бахсда тошкентликлар тўлиқ устунликка эришишди. Учрашув-

нинг 55-дақиқасида Марат Бикмаев томонидан меҳмонлар дарвозасига киритилган ягона гол "Локомотив"нинг 1:0 ҳисобида зафар кучишини таъминлади.

Қолган учрашуларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Олмалик" — "Бунёдкор" — 1:1, "Шўртан" — "Навбахор" — 3:1, "Қизилқум" — "Металлург" — 1:1, "Бухоро" — "Нефчи" — 3:1, "Қўқон-1912" — "Сўғдиёна" — 1:3, "Андижон" — "Динамо" — 1:1.

Сўнги турда турнир жадвали карвонбоши "Пахтакор" ўз майдонидида "Андижон" билан куч синашди. Чемпионлик даъвогар "Локомотив" эса Наманганда "Навбахор" меҳмони бўлади.

Эслатиб ўтамиз, айти пайтада "Пахтакор" 72 очкога эга. "Локомотив" эса 71 очко жамғарган.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ РЕЙТИНГДА ЮҚОРИЛАДИ

Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси — ФИФА миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг ўринларини эълон қилди.

Унга кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси 477 очко тўплаган ҳолда 71-ўринга муносиб кўрилди. Бу кўрсаткич аввалги натижага таққосланганда Самвел Бабалян шогирдларининг Осиё Кубоги ва жаҳон чемпионатининг иккинчи саралаш босқичида эришган ғалабалари ҳисобига уч поғонага яқшиланди. Шунингдек, ҳозирда бош жамоамиз Осиё китъаси давлатлари орасида 6-натижани қайд этмоқда.

ФИФА рейтингда очко тўплаш имкониятини тақдим этувчи мусобақаларда барқарор ўйин кўрсатаётган Эрон терма жамоаси 43-ўрин билан Осиё вакиллари орасида

энг яхши натижани қайд этиб турибди. Шунингдек, Япония, Жанубий Корея, Австралия ҳамда Бирлашган Араб Амириклари термалари ҳам вакилларимиздан кўра олдинда боришмоқда.

Дунё рейтингининг энг юқорисига 1440 очко билан Бельгия терма жамоаси кўтарилиб олган бўлса, Германия ўзига тегишли иккинчи ўринни сақлаб қолди. Қизилқум, октябрь ойида Леонель Мессининг жароҳати сабаб етакчисиз қолган Аргентина жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида очко йўқотиб, биринчи ўриндан дарҳол учинчи ўринга пастлади.

Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига баҳсларининг 29-тур учрашувларидан сўнг "Бунёдкор" жамоаси Ўзбекистон чемпионатида 4-ўринни эгаллаб, 2016 йилги Осиё чемпионлар лигасининг гарб минтақаси "плей-офф" босқичида иштирок этадиган бўлди.

"БУНЁДКОР" ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИДА

Маълумки, 2016 йилги Осиё чемпионлар лигаси "плей-офф" босқичи худди аввалги мавсумдаги каби учта босқичдан иборат бўлади. Осиё футбол конфедерацияси ре-

тингида нуфузи баландроқ бўлган мамлакатлар клублари, яъни Тошкентнинг "Бунёдкор", Саудия Арабистонидан "Ал-Иттиҳод", Эрондан "Нафт" ҳамда Бирлашган Араб Амирикла-

ридан "Ал-Жазира" клублари якуний, учинчи босқичдан курашга қўшилиди.

Мазкур тўрт клуб иккинчи саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган тўртта жамоа билан ўзаро гуруҳ ўйинлари йўлланмаси учун баҳслашади. Осиё чемпионлар лигасининг учинчи босқич учрашувлари 9 февраль кuni ўтказилса, гуруҳ ўйинларида 23 февралдан старт берилди.

Ботир ХҲҲАЕВ

Футзал бўйича 2016 йилнинг 9-21 февраль кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик жараёнини олиб бораётган Ўзбекистон терма жамоаси декабр ойида Беларусь терма жамоаси билан иккита ўртоқлик-назорат учрашувини ўтказиш борасида ўзаро келишиб олди.

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Хосе Мария Мендес бошқараётган терма жамоамиз Беларусь терма жамоаси билан 2 ва 3 декабрь кунлари ўйин ўтказилади. Ўйинларнинг ҳар иккиси Беларусда бўлиб ўтади. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 1 декабрь кuni Минскка учиб кетади.

Мазкур ўртоқлик учрашувларига бежизга Беларусь термасидек кучли футзал жамоаси танланмаган. Беларусь айти дамда маҳорат бобида Осиёнинг Эрон, Япония, Таиланд каби етакчи термаларидан қолишмайди. Осиё чемпионатида футболчиларимизнинг совриндорлар қаторидан ўрин олишида мана шундай кучли рақибларга қарши бўлиб ўтадиган баҳслар тайёргарлик вазифасини ўтаб беради.

Кўрғазмалар

КЎЗГУ ОРТИДАГИ ОЛАМ

Ўзбекистон Бадий академияси Икуо Хираяма Халқаро маданият қарвон саройида академик, таниқли рссом Владимир Бурмакиннинг "Кўзгу ортидаги олам" номи шахсий кўрғазмаси бўлиб ўтди.

В. Бурмакин ижодини 1960 йилларда бошлаб, ҳозирга қадар табиат гўзалликлари билан ҳамоҳанг тарзда инсонларни жунбушга келтирувчи ички туйғуларини рангли бўёқлар орқали намоён этиб, тўхтовсиз меҳнат ва иштиёқ ила давом эттириб келмоқда.

Рассомнинг асарлари натюрморт, манзара, портрет йўналишларида бўлиб, романтизмга бойлиги ва ҳаёт гўзаллигини моҳирона акс эттириши билан ажралиб туради. Қолаверса, мазкур мўйқалам соҳибининг бугунги кунда компьютер графикаси, фотосанъат, ранг-тасвир каби йўналишларни уйғунлаштиришга интилаётгани кўплаб қизиқарли асарлар яратилишига туртки бўлмоқда.

Мусаввир ўзининг ушбу шахсий кўрғазмасида тақдим этган суратлари барча санъат ихлосмандларининг кўнглида чуқур из қолдириди. Айниқса "Тонг", "Тунги Самарқанд", "Тунги Хива", "Ижодкор" ва бошқа шу каби қатор асарлари муҳлисларда ўзгача иштиёқ уйғотди.

Рассомнинг ижоди нафақат Ўзбекистонда, балки, Россия, Франция, Англия, Германия, АҚШ, Австралия, Жанубий Корея, Туркия каби ўнлаб мамлакатларда шахсий коллекциялардан ўрин олган ва музейларида сақланиб келмоқда.

Зафар НАЗАРОВ  
СУРАТДА: кўрғазмадан лавҳа  
Алексей Попов олган сурат



КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Хабар берилганидек, Тошкент шаҳар ҳокимлигида Тошкент шаҳар ИИББ Ёнги хавфсизлиги бошқармаси билан ҳамкорликда қиш мавсумида пойтахтимизда ёнги хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда пойтахтимизда ёнги хавфсизлигини таъминлаш, содир бўлиши мумкин бўлган ёнги хавфсизлигининг олдини олиш борасида қилинаётган ишлар, қиш мавсумида бундай ҳодисалар юзга келишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар хусусида сўз юритилди.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда ёнги хавфсизлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар натижа-сида содир бўлаётган ёнги хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишларнинг бирмунча камайишига эришилди. Шундай бўлса-да, айрим фуқароларимиз ва корхона-ташкilotлар раҳбарларининг хавфсизлик қондаларига риоя этмаслиги оқибатида турли ёнги хавфсизлиги кузатишмоқда. Маълумотларга кўра содир бўлаётган ёнги хавфсизлиги ахиринги аҳолининг газ ва электр мосламаларидан нотўғри фойдаланиши оқибатида келиб чиқади. Қиш мавсумида бундай ҳолатларнинг янада кўпайишини инобатга олиб, уни бартараф этиш чоралари кўришмоқда.

Яқинлашиб келаётган қиш мавсуми олдида шаҳримиз ҳудудида жойлашган аҳоли пунктлари ва иқтисодий тармоқлари объектларида ёнги хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўчатириш мақсадида корхона ва ташкilotлар ҳамда уй-жой фондларини ёнги хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, ўта муҳим ва тоифаланган объектларда ёнги хавфсизлигини мустақамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бундай ишлар натижа-сида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ёнги хавфсизлиги ўқув муассасаларида 27,3 фоизга, маъмурий биноларда 17,5, аҳоли яшаш ҳудудларида 7,3 фоизга камайишига эришилди. Ёнги назорати ҳодимлари томонидан содир бўлиши мумкин бўлган ёнги хавфсизлигини олдини олиш мақсадида қарийб беш мингга яқин корхона ва ташкilotларда ёнги хавфсизлиги талабларига текширилиб, аниқланган камчиликларнинг 70 фоиздан ортиги бартараф этилди.

Ёнги хавфсизлигини олдини олиш ва бу ҳақда фуқароларимиз ўртасида олиб бориладиган ташкилотчилик натижа-сида аҳоли яшаш ҳудудларидаги ёнги хавфсизлиги бирмунча камайди, — дейди ИИББ Ёнги хавфсизлиги бошқармаси Ёнги хавфсизлигини таъминлаш бўлими раҳбарлари ташкил этиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Пўлатов. — Содири бўлган ёнги хавфсизлиги инсонларнинг ҳалок бўлиш ҳолати камайиб, тан жароҳати олиш 27 фоизга пасайди. Ёнги хавфсизлигини олдини олишда ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этди. Чунки болалар иштирокида ёнги хавфсизлиги талабларига қўй қўй ўқрайди. Шу боис барча таълим муассасаларида ёнги хавфсизлигини олиб чиқиш сабаблари, ахтиёркорлик чораларини тушунтиришга бағишланган тарғибот тадбирлари ташкил этилаётган.

Халқимизда аҳоли бир нақл бор "Касални даволагандан кўра унинг олдин олган маъқул", худди шундай "типис ёвга қарши курашгандан кўра унинг ҳам олдини олган яхшироқ. Қачонки бу қондала амал қилмаскина ўзимиз ва атрофимиздагиларнинг соғлиғи ҳамда моддий бойликларимизни зарар етишидан асраган бўламиз.

Абдуалим САЛИМОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат, Ёнги хавфсизлиги ойлиги!

Хурматли ҳамюртлар. Маълумки, қиш фасли бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжларининг бирмунча ортиб бориши билан бирга ёнги хавфсизлиги ҳам кескин ортиб кетишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар республика миқёсида "Ёнги хавфсизлиги ойлиги" ўтказилади. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад "иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондларини ёнги хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёнги хавфсизлиги талабларига юқори бўлган объектларда ёнги хавфсизлигини мустақамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш" деб белгиланган.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда таъкидлашимизки, шу вақтларда ёнги хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнги хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнги хавфсизлиги бош бошқармаси "Ёнги хавфсизлиги ойлиги" тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юрдошларимизга олдиндан самимий миннатдорчилик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Ёнги хавфсизлиги бош бошқармаси

**ЎЗГИДРОМЕТ**  
ХАБАР ҚИЛАДИ

6-8 даража илш, кундузи — 12-14 даража илш бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, Тошкент шаҳрида 12 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар турари, вақти-вақти билан ҳаво муҳитида зарарли мод-ёмгир ёғади. Ғарбдан секун-дига 5-10 метр тезликда ша-имконият яради, ифосла-мол эсади. Ҳарорат кечаси — 12 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар турари, вақти-вақти билан ҳаво муҳитида зарарли мод-ёмгир ёғади. Ғарбдан секун-дига 5-10 метр тезликда ша-имконият яради, ифосла-мол эсади. Ҳарорат кечаси —

(Газетанинг навбатдаги сони 13 ноябрда чиқади).

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёллонлар. 233-28-95. Факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамитга» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терида ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6168 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топирилди: 14.10